

## **МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ**

**М. Нажметдинова**

ФДУ Санъатшунослик факультети  
муסיқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

**Жўрабоева Хакимахон**

ФарДУ 1-босқич магистранти

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада мақом санъати сирларини бугунги кунда ёш авлодга сингдириши йўлида тинмай хизмат қилаётган ёш истеъдодли санъаткор Очилбек Матчонов ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз боради.*

***Таянч сўзлар:** маданият, мақом, санъат, тарихий-маданий мерос, қадрият, моддий ва маънавий қадриятлар, цивилизация, тил, адабиёт, анъаналар, урф-одатлар, ёдгорлик, муסיқа.*

## **THE ART OF MAKOM AND ITS EFFECT ON THE SPIRITUAL OUTLOOK OF YOUTH**

### **ABSTRACT**

*This article talks about the life and work of the young talented artist Ochilbek Matchonov, who is constantly working to teach the secrets of the art of status to the young generation.*

***Key words:** culture, status, art, historical-cultural heritage, value, material and spiritual values, civilization, language, literature, traditions, customs, monuments, music.*

## **ИСКУССТВО МАКОМА О ВЛИЯНИИ НА ДУХОВНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ МОЛОДЕЖИ**

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье рассказывается о жизни и творчестве молодого талантливого художника Очилбека Матчонова, который постоянно работает над тем, чтобы научить молодое поколение секретам искусства статуса.*

***Ключевые слова:** культура, статус, искусство, историко-культурное наследие, ценность, материальные и духовные ценности, цивилизация, язык, литература, традиции, обычаи, памятники, музыка.*

## **КИРИШ**

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти кўп асрлик бой тарихга эга. Моддий маданият ёдгорликлари, археологик маълумотлар ҳамда Ўрта Осиё олимлари яратган мусиқий асарлар ўзбек халқининг мусиқа маданиятини ҳар томонлама ўрганиш учун катта асос бўлди. Халқ мусиқа санъатининг ривожини эрамиздан аввалги биринчи минг йилликлардан бошланади. Ўзбек халқининг мусиқий мероси бугунги кунда ҳам ўз бадиий ва эстетик қийматини сақлаб қолиб, замонавий мусиқа маданиятимизнинг ривожини учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек миллий мусиқа мероси асрлар давомида халқ дардини, орзу ва армонларини акс эттириб, юртнинг истеъдодлиларини кашф этиб, ноёб дурдона асарларни ер юзига тараннум этиб келмоқда. Мақом ижрочилиги энг қадимий санъат турларидан бири бўлиб, унга IX-X асрларда Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларида ижтимоий-маданий ҳаётга таъсир кўрсата олган жонбахш омил сифатида қаралган. Ўзбек мақом санъати минг йиллик тарихга эга. Юртимиздаги Шашмақом, Хоразм, Фарғона-Тошкент мақомлари куйнинг ўзига хос мавқеи ва ижрочилик йўли билан ажралиб туради. Унинг ривожланиши ва асрлар оша сайқал топишида давр, замон, ижтимоий воқелик муҳим унсур сифатида ўз таъсирини кўрсатган. Мақом-миллат руҳияти юксалтирувчи, ўзлигимизни англатувчи, ҳақ сари бошловчи санъат дурдонасидир. Ўсиб келаётган ёшларимизни тарбиялашда мақомдан самарали фойдаланишимиз, мақом санъатининг нолаларини мурғак қалбларга сингдириб, қалбан ҳис этишларига шароит яратишимиз керак. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари асосида мақомларимиз қайтадан жонланди дея оламиз. Кейинги йилларда ўтказилаётган фестиваллар, танловлар мақом санъатига қайта ҳаёт бахш этди. Маҳоратли ёш ўзбек хонандаси, Очилбек Матчонов мумтоз кўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси, мақом билимдони сифатида халқимизнинг меҳрини қозонган. Унинг кўплаб кўшиқлари мухлислар қалбидан жой олган.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Очилбек Матчонов хонандалик санъатини пухта эгаллаб, халқнинг хурмат ва эътиборига сазовор бўлган, бастакор сифатида ҳам самарали ижод этган, ўзбек кўшиқ санъатининг нодир намуналарини яратиб, ўзбек санъати тарихида ўчмас из қолдириб ижод қилиб келаётган замондошларимиздандир. Ҳар бир халқ руҳиятини ифодаловчи миллий куй-оҳанглар азиз она тилимиз каби

қадрли ва муқаддасдир. Миллатнинг ўтмиши ва бугуни, асрий орзу-истаклари ва гўзал туйғуларини мужассам этган оҳанглар она аллалари, умрбоқий қўшиқлару мумтоз куйларда ранг-баранг жилоланадики, уларни тинглаган инсон ўзлигини англайди, руҳан юксалганини ҳис қилади. Очилбек Матчонов ўзи моҳир мақом хонандаси бўлиш билан бирга махсус мактабда ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Очилбек оилада учинчи фарзанд. Онаси фарзандининг кўриш қобилияти паст бўлишига қарамай, Очилбекнинг тарбияси билан жиддий шуғулланиб, асосий вақтини ўғлига сарфлади. Очилбек Матчонов Хивадаги 121-кўзи ожизлар мактаб-интернатида таҳсил олди. У ушбу даргоҳни кичик академия деб атади. Чунки бу ерда аксарият ўқитувчилар ва ўқувчилар соз чалишни ва шахмат ўйнашни билади. Онаси уни мактабга, дарслардан сўнг мусиқа мактабига олиб борарди. Очилбек Матчоновнинг илк устози Машҳур Бола бахши бўлиб, унинг фотихасини олган кенжа шогирдларидан. Кейинчалик у Матёқуб Абдуллаев қўлида таҳсил олди. Достончилик мактабининг биринчи ўқувчиларидан бўлиб мактабни тамомлаб, Харратов номидаги мусиқа билим юртида таҳсил олди. У ерда Мадраҳим Ёқубов қўлида тарбия олди. Тиниб тинчимаган бу иқтидорли санъаткор консерваторияда ўқишга қарор қилди ушбу илм масканида Қувондиқ Искандаров, Жўрабек Набиевдек забардаст устозлардан таълим олди. Мақом назариясини эса Маҳмуджон Тожибоевдан ўрганди. Очилбек Матчонов ўқиш давомида ўз устида тинмай изланиб, «Хоразм сувораларида парда, ритм ва сўз хусусияти» мавзусида магистрлик диссертацияси иши билан тамомлаб, яна илмий изланишларни давом эттириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартибини тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, «Бахшичилик ва достончилик санъатининг тарихи, бахшилар ва достончилар ижодини мукамал ўрганиш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, ёш авлод қалбида бахшичилик санъатига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, ёш авлодни мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртга ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялаш», каби юксак мақсадлар айнан ўзбек бахшичилик санъатини ўрганиш ва кенг тараннум этиш вазифаларини илгари суради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда достончилик санъатидан ҳам бохабар бўлган бу серқирра санъаткор «Вазиргон», «Авазхон», «Хирмондали» достонларини ёд олган. Мақомга меҳри баландлиги туфайли кўпроқ сувораларни маромига етказиб куйлайди. Матчонов Очилбек ўсиб келаётган ёш авлодга халқ оғзаки ижоди, достончилик ва мақом санъатини янада такомиллаштирган ҳолда етказишда ўз олдиларига

улкан режаларни кўйганлар. Буюк мутафаккир Абу Али Ибн Сино ҳазратлари «Хар бир гўдакда бир даҳо яширин» деб таъкидлаган ибораларидан келиб чиқиб, ўша даҳони кашф қилиш уни тарбиялаётган инсонга боғлиқ дейди суҳбат давомида- “Менинг ҳофиз бўлишим туғилишим биланоқ хал бўлган десам, муболаға эмас. Бобом ўтган асрнинг эллагинчи йилларида саводсизликни тугатиш мақсадида Қорақалпоғистоннинг Манғит шаҳрида яшаган. Бобом ўз даврининг машҳур хофизи Назир қори билан қўшни бўлган экан. Дунёга келганимда бобом ўша инсонни эслаган ва менинг ҳам тақдирим уникага ўхшашини орзу қилган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, оиламизда ҳамма санъат шинавандаси бўлишган. Отам Йўлдош ака Матжонов рубобни жуда яхши чалардилар. Ўша кезлари Бахтиёр қори Султонов исмли машҳур хофиз бўлган. Ота-онам унга ҳавас қилган. Тарбиямни бошидан санъатга йўналтиришган”, – дейди у билан суҳбат чоғида.

### **ХУЛОСА**

Ўзбек мумтоз санъатининг ривож топишида Комилжон Отаниёзов, Ортик Отажонов, Отажон Худойшукуров, Раҳматжон Қурбоновларнинг хиссалари катта. Ёш ижодкор ўз имкониятларидан келиб чиқиб ўнлаб ашулалар ёзди ва қўшиқлари халқ қалбидан жой олганидан хурсанд. Ҳозирги кунда яратган қўшиқларини кўплаб ёш хонандалар куйлаб келмоқдалар. Энг яқин кунларда эса Муқимий ғазали билан «Гул ифори» номли ялла ашуласини ёзди. Қўшиқлари вақт синовидан ўтса, юз йиллардан кейин ҳам жаранглаб туришига ишонамиз. Қолаверса, истеъдодли ёшларни кашф қилиш, қўллаб-қувватлаш орқали санъат ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшяпман. Умуман, ижодкорнинг эзгу мақсади мақомларимизни барча севиб тинглайдиган, ҳис қиладиган кунлар келишини кўришдир. Бунинг учун ҳаётини бахшида этишга тайёр ижодкор тинмай изланишда. Истеъдодли санъаткорга аввало соғлиқ, ижодий юксалиш ва миллий мусиқамизни янада ривожлантиришида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

### **REFERENCES**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. 1-т. Б- 418
2. 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ 3391 “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
3. ПҚ 4320- 2019 йил 14 май ”Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
4. 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарори.

5. М.Нажметдинова О.Шарипова Анъанавий ижрочилик санъати тарихи An Internotional Vitual Conferenge on Humantinyand Science Congress Seoul South Korea conferencepublication.com AWARD 2021jctober 30,2021.89-91бет.
6. S.Mannopov, I.Nazarova, Sh.Ataboyeva, J.Mo'yudinov Analisis of research on aesthetic features of uzbek folk music Turkish online journal of qualittave Inquiru /ISSN:1309-6591, Vol. 16, Inssie 3, 2410-2413
7. У.Рахмонов,М.Нажметдинова, А.Эргашев. The Role and Imprortance of Musik Clubs in The Leisure of Young People A Bi-Monthly,Peer Reviewed International Journal Volime 2/ Journal of Pedagogical Inventions and Plactices [https:// zienjournals.com](https://zienjournals.com) ISSN NO:2770-2367 Date of Publication:22-11-2021 47-49.
8. I. Kirgizov, M Najmetdinova, ,I Kirgizov,Sh.Ataboyeva, The Genesis of thel Development of Music culture. Humanite and Science Congress Hosted From Essen Germany February 10. 2022.<https://conferencepublication.com> 57-60 бет.
9. М.Нажметдинова «Ёшларнинг эстетик тарбиясини шакллантиришда аждодлар меросини тутган ўрни»Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти “Узлуксиз таълим”илмий-журнал 2022 йил.махсус сони.
10. А.Қамбаров М.Нажметдинова Ёшларнинг баркамол бўлиб шаклланишларида ижтимоий сиёсат ҚарДУ хабарлари илмий назарий услубий журнал 2022 йил 4/2 (54)119-121 бет
11. U Rahmonov, A Ergashev, M Nazhmetdinova, S Usmonova In The Formation Of The Socio-Spiritual Thinking Of Young People In The Musical Art Of The Great Scholars Of The Eastern Renaissance Position Held Archive of Conferences, 36-39
12. Najmetdinova, M., & Odinahon, S. (2021, October). HISTORY OF TRADITIONAL PERFORMING ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 89-91).
13. Киргизов И., Имяминович К. И., Нурмухаммеджанов А., Сотволдиевич С. Б., Мамасодиковна Н.М. и Джураевна А. С. (2021). Удовольствие петь, слушать и понимать Навои. *Анналы Румынского общества клеточной биологии*, 2410-2413.
14. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 148-151).
15. Аксаджонович, к.А., и Мамасодиковна, Н.М. (2021, май). Маргиланская большая ашульская школа. В *электронной конференции Globe* (стр. 292-298).